

## **Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасида қуйидагилар ҳақидаги маълумотларни акс эттириш.**

### **Овчилик хўжаликлари:**

Сурхондарё вилоятида жами **3 та** ов хўжаликлари мавжуд.

1. **Сангардак ов хўжалиги** умумий майдони 40 минг гектар, хўжаликда асосан Тяншан кўнғир айиғи, ёввойи чўчқа, тоғ эчкиси, қуён, жайра, тулки, бўри ва кўплаб қушлар мавжуд.

2. **Жанубий Сурхон ов хўжалиги** умумий майдони 6,5 минг гектар, хўжаликда асосан қирғовул, каптар, ўрдак, ғоз, қуён, жайра, тулки, шоқол ва кўплаб сувда сузувчи қушлар мавжуд.

3. **Оқтепа ов хўжалиги** умумий майдони 4,5 минг гектар, хўжаликда асосан ёввойи чўчқа, чиябўри, қуён, жайра, тулки, бўри ва кўплаб сувда сузувчи қушлар мавжуд.

### **Ов қилиш тақиқланган жойлар:**

Ўзбекистон Республикасининг 08.07.2020 йилдаги “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги **ЎРҚ-627-сон** қонунига мувофиқ қуйидаги ҳудудларда ов қилиш тақиқланган.

аҳоли пунктларининг ерлари;

соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, агар уларнинг режимида ов қилиш назарда тутилмаган бўлса;

шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;

корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари;

сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;

аэродромлар;

темир йўлларнинг ҳимоя зоналари;

чегара олди минтақаси;

ҳосил йиғиштириб олингунига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ов қилиш тақиқланади.

### **Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ажратилган квота:**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота лойиҳаси бўйича хулосасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ажратилади.

Экология вазирлиги томонидан Сурхондарё вилоятига 2024 йил учун ёввойи ҳайвонларни тутишга квота ажратилмаган.

**Овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи деб эътироф этилган ёввойи ҳайвонлар:**

Овчилик хўжалиги ҳудудида муайян вақт оралиғида уяларни бузадиган, ёш ёввойи ҳайвонларни қириб ташлайдиган, бошқа ёввойи ҳайвонларга мўлжалланган озукани еб қўядиган, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказадиган, шунингдек ҳайвонлар ва инсон учун хавfli касалликларни тарқатувчилар бўлган сутэмизувчилар, қушлар ёки ёввойи ҳайвонларнинг бошқа турлари овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонлар деб эътироф этилиши мумкин.